



20 19 yil « 13 » август 213 – К-sonli

Samarqand sh.

**Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳар  
қабристонларида қабр қазииш ва  
маросим хизматлари учун пулли  
хизматлар кўрсатиш тарифларини  
белгилаш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда), “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2010 й., 52-сон, 508-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 й., 14-сон, 138-модда), Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг 2019 йил 28 майдаги (9-17/1908-сон) ва Каттакўрғон шаҳар ҳокимлигининг 2019 йил 7 июндаги (01-01/421-сон) мурожаатлари ҳамда вилоят Молия бош бошқармасининг 2019 йил 10 июндаги (5-6/2468-сон ва 5-6/2473-сон) хулосаларини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарлари қабристонларида қабр қазииш ва маросим хизматлари учун пулли хизматлар кўрсатиш тарифлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Самарқанд шаҳар (Б.Облокулов) ва Каттакўрғон шаҳар (М.Хашимов) ҳокимлари шаҳар Ободонлаштириш бошқармалари билан биргаликда мазкур қарор билан белгиланган қабр қазииш ва маросим хизматлари учун пулли хизматлар кўрсатиш тарифлари Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларига тегишли қабристонларда бир хилда қўлланилиши ҳамда кўринарли жойларга ўрнатилишини таъминлансин.

3. Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (М.Ибодуллаев), вилоят ҳокимлиги ахборот таҳлил гуруҳи (М.Мирзаев),

“Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев), “Овози Самарқанд” газетаси таҳририяти (Б.Рахмонов) ушбу қарорни расмий эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**



**Э.Турдимов**



Вилоят ҳокимининг  
2019 йил “13” августдаги  
213-4-сон қарорига  
илова

**Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳар қабристонларида қабр қозиш ва  
маросим хизматлари учун пулли хизматлар кўрсатиш**

**ТАРИФЛАРИ**

Т/р	Хизмат турлари	нархи (сўм)
1.	Тегишли диний конфессия қабристонларида фуқароларга (ташкилотларга) дафн учун участкалар бериш	бепул
<b>2. 3 ёшгача бўлган кичик болалар учун қабр қозиш</b>		
1	Тупроқни 2 метр чуқурликгача, қўлда ва меҳнат қуроллари орқали қозиш харажатлари	27 551
2	Меҳнат қуролларини ишлатилиши	4 990
	<b>Жами 1 та қабр қозиш</b>	<b>32 541</b>
<b>3. 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун қабр қозиш</b>		
1	Тупроқни 2 метр чуқурликгача, қўлда ва меҳнат қуроллари орқали қозиш харажатлари	38 383
2	Меҳнат қуролларини ишлатилиши	6 951
	<b>Жами 1 та қабр қозиш</b>	<b>45 334</b>
<b>4. Мусулмонча қабр қозиш</b>		
1	Қазувчиларнинг харажатлари	71 936
2	Меҳнат қуролларини ишлатилиши	13 028
	<b>Жами 1 та қабр қозиш</b>	<b>84 964</b>
<b>5. Европача қабр қозиш</b>		
1	Қазувчиларнинг харажатлари	57 607
2	Меҳнат қуролларини ишлатилиши	10 433
	<b>Жами 1 та қабр қозиш</b>	<b>68 040</b>
<b>6. Қабрни қайта қовлаш</b>		
1	Қазувчиларнинг харажатлари	80 669
2	Меҳнат қуролларини ишлатилиши	14 609
	<b>Жами 1 та қабр қозиш</b>	<b>95 279</b>

**Ижрочи:**

Вилоят ҳокимлиги мутахассиси  
Ж.Ашуров